



КАСБ-ХУНАР МАКТАБЛАРИ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КАСБГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Махмудова Диляфуз Султанназировна

Урганч шахар 1-сон касб хунар мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Аннотация. Она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш таълимтарбия жараёнини давр талаби даражасида янги педагогик технологиялар, техник ахборотли воситалар билан куроллантиришини тацозо этади. Ушбу маколада таълим жараёнида дарс машгулотлари (она тили дарслари)ни утишида бугунги кунда укитишнинг энг замонавий ва самарали усулларидан хисобланмиш "Интерфаол" усуллар ва замонавий таълим технологиялари хусусида фикр юритилган.

Калит сузлар: таълим, педагогика, метод, таълим методи, технология, интерфаол, муаммоли, модулли, синов дарс, аудиовизуал, ахборотли воситалар.

Педагогик жараённинг эскириб колган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш, дарсга эса янгила усулларнинг лойихдсими куллаш асосий вазифа булиб колди. Она тили дарсларида укитишнинг интерфаол усулларини куллаш хозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Она тили дарсларига интерфаол усулларни татбик этиш зарурияти педагогик технологиянинг мазмуни хамда анъанавий таълим моҳиятини урганиш, тахлил этиш асосида юзага келади. Маълумки, анъанавий таълим мазмуниниг асоси шундан иборатки, педагог бу жараёндаги авторитар мавкеи, таълим жараёни укувчиларнинг суст фаолияти асосига курилган булиб, дарс учун ажратилган вактнинг асосий кисми педагоглар томонидан муҳим назарий маълумотларни баён этишга сарфланар, укувчиларнинг фаоллигини таъминлашга зарурият сезилмаслигини ифода этарди.

Утган асрнинг урталарида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши хамда улар хизматидан фойдаланиш «таълим технологияси»нинг йуналишини белгилаб берувчи омилдир дея баҳоланди. Ушбу боскичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш хисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ахборот сигимини ва уларни узатиши такомиллаштириш ва индивидуал таълимни йулга куйиш каби масалаларнинг ижобий хал этилишига каратилди.

Утган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чикилган дастур гояларига мувоғик ташкил этиш ташаббуси кутарилди. Дастурлаштирилган таълим укувчи муайян билимларни кисмларга булиб хал этилиши асосида она тили дарсларини ташкил этишни назарда тутади.



Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг максадлари, баҳолаш мезонлари она тили дарслари мохиятининг аник тавсифини курсатувчи курсатгичлар эканлигига алоҳида урин ажратилди.

Бир катор давлатларда бу соҳада бой тажриба туплангандир. Педагогик технологиялар мохиятини тулаконли англаш учун мазкур иборанинг лугавий маъносини тушуниб олиш такозо этилади. "Таълим технологияси" иборасининг маъноси - (инглизча "An educational technology") дарсларни юксак майорат билан санъат даражасида ташкил этиш тугрисида маълумот берувчи фан, таълимот демақдир. Айни вактда мазкур тушунчанинг таърифи хдмда унинг мохияти борасида ягона гоя мавжуд эмас. Бу назария мохиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Она тили дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мазкур жараённинг назарий-амалий кирраларини тадқик этиш, маҳсус ишланмалар ёки тавсияномаларнинг яратилишини талаб этади. Ана шу эҳтиёждан келиб чиккан холда янги педагогик технология назарияси, унинг мохияти таълим технологияларини укув муассасалари, шу жумладан, она тили дарсларига татбик этиш муаммосининг кай даражада урганилганлигини тадқик этиш максадида мавзуга оид яратилган манбалар мохияти билан танишиб чиқдик.

Бир канча вактдан бўён ушбу назария ва унинг мохияти юзасидан тадқикотлар олиб бораётган педагог олим В.П.Беспалько «таълим технологияси» тушунчасини «амалиётга татбик килинадиган муайян педагогик тизим лойихаси» дея таърифлаган булса, Н.Ф.Талъзина «фан ва амалиёт оралигига муайян тамойилларни олга сурувчи усувларни ишлаб чиқарувчи, уларни изчил куллаш каби масалаларни хал этишга йуналтирилган мустакил фан» эканлигига эътиборни каратади. В.В.Кларин томонидан яратилган «Педагогическая технология в учебном процессе» номли асарда В.П.Беспалько томонидан баён этилган мулоҳазалар тулдирилиб, педагогик технологияларнинг она тили дарсларига татбик этиш шарт-шароитлари борасидаги карашлар илгари сурилади. В.П. Беспалько ва М.В.Кларинларнинг тадқикотларида «педагогик технология» тушунчасига таъриф берилган.

Б.Блум таълим технологияси мазмунида таълим максадининг аник белгиланиши мухим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган холда укувчилар томонидан узлаштирилган назарий билимларни аниклаш максадида тест топширикларини ишлаб чикиш жараённида максадни ойдинлаштиришга хизмат килувчи таксономияни ишлаб чиқади. Таксономия муайян объектларни уларнинг узаро табиий бөгланишлари асосида таснифлаш ва тизимлашдир. Сунгги йилларда юртимиз олимлари томонидан хам таълим технологияси назариясига оид бир хатор макола, рисола ва кулланмалар яратилди. М.О. Очилов мазкур иборани «Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини кулагаштириш, натижасини



кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салохияти хамда техник воситаларнинг узаро таъсирини инобатга олиб, таълим максадларини ойдинлаштириб, укитиш ва билим узлаштириш жараёнларида кулланадиган усул ва усуллар мажмуидир» дея шархласа, Н.Саидахмедов куйидагича: "Педагогик технология бу укитувчи (тарбиячи) томонидан укитиш (тарбия) воситалари ёрдамида укувчиларга таъсир курсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни", - деган таърифни беради.

У.Толипов ва М.Усмонбоевалар эса «педагогик технология» тушунчанинг мохиятини куйидагича ифодалайдилар: «педагогик технология - бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аник максадга йуналтирилган хамда ушбу максаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир»

У.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан яратилган асарда педагогик технологиянинг назарий асосларини амалий педагогик фаолиятга татбик этиш масаласи урганилган.Шунингдек, хусусий фанларни укитиш жараёнига педагогик технологияларни татбик этишнинг амалий асосларини очиб беришга харакат килинган.Файласуф олимлар Б.Зиёмухаммедов ва Ш.Абдуллаевалар томонидан яратилган «Янги педагогик технология: назария ва амалиёт» номли асарда «Маънавият асослари» дарсларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш масалалари очиб берилган булиб, бу борадаги бир катор ишланмалар китобхонларнинг эътиборига хавола этилган. Маълумки, инсон ва жамиятининг харакатлантирувчи кучи бу - инсон тафаккуридир. Тафаккур бу акл - идрок ва дунёвий билимлар мажмуасидир.

Замонавий билимлар таълим жараёнида бунёд этилади. Шунга кура мамлакатимизда таълимга алоҳида эътибор берилган холда, уни янги педагогик тизимга уtkазиш бугунги давримизнинг бош вазифалардан бирига айландики, бу узлуксиз таълимни йулга куйишни хам илмий асоси булиб хизмат килади.

Маълумки, хар бир мамлакат ва жамият узининг таълим - тарбия тизимиغا ва укитиш технологиясига эга булади. Лекин бу технологияда албатта жаҳон ва умуминсоний таълим - тарбия система - тизимидан ва укитиш технологиясидан ижодий фойдаланилади ва ундан баҳраманд булинади.

Шулар асосида мактаб укув фанлари узининг укитиш системасини янги педагогик технологиялар асосида укитишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, укув предметини янги педагогик технологияда укитишга утилмоқдаки, бунинг учун она тили укув предмети дарслари буйича дидактик материаллар, кургазмалар, методик адабиётларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш зарурлиги бугунги кунимиздаги муҳим вазифа булиб колмоқда.

Маълумки, таълим - тарбия соҳдида педагогик технология анча мураккаб масала булиб, ундан тасвирий санъатини укитишда фойдаланиш хам узига хос муаммоларни келтириб чиқаради.



Она тили дарсларини укитишида хам педагогик технологияни "дарс технологияси", "укитиш технологияси" ва "таълим технологияси" каби куринишларидан фойдаланишади.

1."Дарс технологияси" - бу 45 дақикали дарс жараёнини ташкил этилишининг умумий педагогик тингловчиларга (дидактик ва методик) жавоб беришни кафолатлайдиган педагогик жараёндир. Яъни она тили фанининг синф - дарс системаси булиб, у: Янги билим бериш, берилган билим - малакаларни мустахкамлаш, аралаш дарс, билим - малакаларни текшириш ва назорат килиш дарслари кабилар. Уларнинг хар бири узига хос технологияларда фаолият юритади.

2."Укитиш технологияси" - она тили дарсларини укитиш ва улар асосида назарий ва амалий соҳдларидан билим - малакаларни узлаштириш йули, коидалари ва услублари мажмуаси жараёнидир.

Бу технология маълум бир укув предметини укитиш ва узлаштириш йули, дидактикаси ва хусусий методикаси жараёнини ифода этади. Шунга кура уктиш технологияси она тили дарс машгулотларининг тури буйича узагариб хам туради. Чунки она тили дарс машгулотларини укитиш дидактикаси ва услублари машгулотлардаги максад ва вазифаларнинг узагариб туриши билан унинг укитиш технологияси хам узгариб туради.

3. "Маълумот технологияси" - бу укувчиларга маълумот бериш мазмунидаги ифодаланиб, у укувчиларга она тили укув фанидан билим - малака бериш жараёнида укитувчи билан укувчи уртасида илмий мулокот, муносабат, ижодий ҳдмкорлик жараёнлари мазмунидаги ифодаланади.

Яъни, бериладиган билим ва малакаларни укувчиларга етказа олишни кафолатлай оладиган таълим-тарбия воситалари, укитиш дидактикаси, методикаси ва услублари мажмуасида ифодаланади.

Чунки, дарс жараёнида она тили укитувчиси укувчиларга буладиган дарс мазмуни буйича ва дарсда бажариладиган амалий ишлар буйича вазифалар ва уларни бажариш йулларининг энг осон, энг киска ва илмий асосдаги йуллари буйича маълумотлар беради.

Юкоридагилар шуни курсатадики, фанни укитишида педагогик технологиянинг юкоридаги хар уччала куришидан хам фойдаланса булади.

Педагогик технологияни яхши тушуниб олган она тили фани укитувчиси хар кандай ^олатда хам дарс самарадорлигини оширишга эришади.

Чунки, педагогик технологияни жуда куплаб принциплари борки, улардан дарснинг максад ва вазифасига кура фойдаланиши мумкин.

Бундай укитишининг анъанавий таълимдан фарки шундаки, анъанавий укитиш технологияси асосан «укитувчи-укувчи» тарзida умумий характерда булиб, унда укувчи таълим жараёнининг объекти, яъни пассив шахс сифатида каралади. Педагогик технологияда «Укитувчи - таълим - укувчи» тизимида асосланади ва унда укувчи субъектга яъни, таълим жараёнининг фаол



иштирокчисига айланади. Бунда укувчига узи изланишга, узи мушохдда юритишга шароит яратувчи ташкилотчига ва уни назорат этувчи бошкарувчига айланади.

Шу нарсани хулоса урнида айтишимиз мумкинки, дарс кайси фандан булишидан катъий назар, илмий ёндашсак, машгулотларимизда замонавий педагогик технологиялардан, ноаънавий дарс утиш усулларидан ижодий фойдалансак, биз уз олдимизга куйган максадимизга тезрок етамиз. Зеробуларсиз укувчилар меҳрини ва кизикишини козониш мумкун эмас.

Юкорида санаб утилган машгулот методлари укувчидаги идрок ва хотира, диккат -эътибор ва тафаккур, тасаввур ва мантиқни бирлаштириши керак. Билимлар, қуникма ва малакаларни узлаштиришда укувчининг фаоллиги, кизикиши, ижодий мустакиллигини оширишга каратилган замонавий педагогик технологиялар - машгулотларни утишнинг макбул шакллари ва имкониятлари ана шунга куп жихатдан йул очади.

REFERENCES:

1. Эрназарова, М., & Жабборова, Э. (2022). Педагогические технологии на уроках русского языка. Общество и инновации, 3(4/S), 251-256.
2. Эрназарова, М. (2022). Взаимоотношения родителей с растущим человеком. Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar, 1(1), 503-506.
3. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий технологиилар // Ж. Педагогик таълим. - Тошкент, 2005.
4. Зиёмухаммедов Б. Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. - Тошкент, Chinoz ENK, 2002.
5. Толипов У., М.Усмонбоева. Педагогик технология асослари. «Мактаб ва хаёт» журналига илова. - Тошкент, УзПФИТИ, 2003.